

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У Қ М

2020 йил август ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья М.Ҳакимовнинг раислигида, З.Абдимуратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шўрчи туман прокуратураси терговчиси А.Холияров, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Шўрчи туманидаги “Хudoyor-Femida” адвокатлик фирмаси адвокати Б.Махманов, жамоат ҳимоячиси Денов туман “Ўрта қишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Хошимов, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] иштирокида [REDACTED] га оид 1-1914-2001/83-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] - 1991 йил 8 июлда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, “[REDACTED]” МЧЖда ишчи, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Сурхондарё вилояти Денов туман “[REDACTED]” маҳалласида яшайди, “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, марҳум жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] 2020 йил 9 июнь куни соат 07:30 ларда Шўрчи туман “[REDACTED]” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-41 автамабил йўлининг 1513-кмда ўзининг бошқарувида бўлган Нексия русумли [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинаси билан ҳаракатланиб келиб, йўлнинг ўнг томонидан чап томонига пиёда ҳаракатланиб ўтаётган фуқаро [REDACTED] ни туртиб юбориб йўл транспорт ҳодисаси содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2020 йил 9 июнь куни соат 7:30 ларда Шўрчи тумани марказида йўлнинг ўртасида бетон тўсиқ бўлганлиги сабабли қайрилиб келиш мақсадида ҳаракатланиб бораётган вақтида ёши кекса аёл ҳассага суяниб йўлнинг ўнг томонидан чап томонига тез юриб ўтмоқчи бўлиб келаётганлигини кўриб автомашинани тормозини босишига қарамасдан автомашинанинг олд чап томони билан туртиб юборганлигини, дархол автомашинасини тўхтатиб кейин билишича исми шарифи [REDACTED] ни машинага ортиб Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасига олиб борганлигини, унга



шифокорлар томонидан тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамасдан тиббиёт бирлашмасида вафот этганлигини, мархумнинг дафн маросимларига иштирок этиб, қариндошларидан кечирим сўраб, дафн маросимига кетган харажатларни берганлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Мархум жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] суд мажлисида, мархум [REDACTED] онаси эканлигини, онаси 90 ёшда бўлганлигини, 2020 йил 9 июнь куни соат 11:00 ларда куёви [REDACTED] кўнғироқ қилиб, онаси [REDACTED] ни машина туртиб юборганлигини, ҳозирда Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасида эканлигини айтиб уни чақирганлигини, тиббиёт бирлашмасига борганида шифокорлар онасига тиббий ёрдам кўрсатишаётганлигини биланлигини, лекин шунга қарамасдан онаси [REDACTED] вафот этганлигини, кейин [REDACTED] автомашинаси билан онасини туртиб юборганлигини билганлигини, [REDACTED] келиб улардан кечирим сўраб, онасини дафн маросимларига иштирок этиб, кетган харажатларни қоплаб берганлигини, судланувчи [REDACTED] га нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи [REDACTED], мархум жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] нинг айби ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуви ва жиноят ишида тўпланган қуйидаги ҳужжатлари билан, яъни;

- Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар;

-суд тиббиёт экспертизасининг “мархум [REDACTED] нинг ўлимига бош мия ёпиқ шикастланиши, бош мияни ўраб турган юмшоқ тўқималари ички юзасига қон қуйилиши, бош миянинг лат ейилишининг оғир даражаси, ўпка ва мия шишиши, мия комасининг 3-даражаси, кўкрак қафаси чап томони 2,3,4,5,6,7,8-қовурғалари ҳар бирини икки жойидан ёпиқ синиши, кўкрак қафаси ўнг томони 2,3,4,5,6,7,8-қовурғаларининг ёпиқ синиши, ички аъзоларига қон қуйилиши, чап ўпканинг икки жойидан ёрилиши, ички қон кетиш каби тан жароҳатлари сабаб бўлганлиги” ҳақидаги 2020 йил 9 июндаги №31-сонли мурда хулосаси;

-Судга оид автотехника экспертизасининг “қарорда келтирилган шароитда “NEXIA” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-бандининг 3-қисми талабларига зид бўлганлиги ҳақидаги 2020 йил 19 июндаги №89-сонли хулосаси;

-Тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] нинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиши натижасида эҳтиётсизлик орқасидан одам ўлишига



сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқrorлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, марҳуманинг қонуний вакилига етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаганлигини, марҳума жабрланувчининг қонуний вакилининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги (Пленумнинг 2014 йил 23 майдаги 8-сонли Қарорига асосан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан) “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги”, шунингдек, мазкур қарорнинг 37-бандида “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва



даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин”лиги тўғрисида раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда судланувчи айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлик билдирганлигини, марҳума жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган моддий зарарни ихтиёрий қоплаб берганлигини, марҳума жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганлиги, ёшлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда юқоридаги Олий суд Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан мазкур модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ва унга озодликни чеклаш тақиқларини тушунтириб, жазони ижро этишни Денов туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни, жазо муддатини ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, судланувчига нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

-Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорининг 29-бандида “Агар ЖК моддаси санкциясида кўрсатилган асосий жазога қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, суд ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, бошқа енгилроқ асосий жазо тайинлаган тақдирда, қўшимча жазо фақат ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда тайинланиши, суд ҳукмининг тавсиф қисмида шундай қарор қабул қилинганлигини асослантириш лозимлиги” ҳақидаги тушунтиришига амал қилиб, судланувчи томонидан мазкур жиноят транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиш натижасида содир этилганлиги сабабли, келгусида судланувчи томонидан шу каби янги жиноятлар содир этилиши олдини олиш мақсадида, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни, қўшимча жазосини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблашни;

-марҳума жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этишни;

-тарофларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни тиндириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини



юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириб, шундай ҳуқуқини очикда қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497<sup>3</sup>, 497<sup>4</sup> -моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

██████████га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан, шу Кодекснинг 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

██████████нинг зиммасига назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, ҳамда Сурхондарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин.

██████████га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасининг 5 ва 6-қисмлари талаблари тушунтирилганлиги қайд этилсин.

Жазони ижро этиш Денов туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

██████████га тайинланган барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

██████████нинг “муносиб хулқ-творда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш юзасидан жабрланувчининг қонуний вакили ██████████га етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Тарафларга етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилиб, шундай ҳуқуқини очикда қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, марҳум ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

М.Ҳақимов



## Аслига тўғри

Ҳужжат имзоланган: Хакимов Музафар Абдуллаевич, 17.08.2020

